

Elim deb, yurtim deb yonib yashash kerak!

# Turkiston

1925-yildan chiqqan  
boshlagan

«Kamolot» yoshlar ijtimoiy harakati  
Markaziy Kengashining nashri

www.turkiston.uz

2014-yil 14-may, chorshanba  
№ 37 (15779)

## Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Жаноби Олийларига

Жаноби Олийлари!

Яқинда биз Сиз билан учрашиш шарафига муяссар бўлдик. Мухим давлат ишлари билан ғоят банд бўлишингизга қарамай, Оқчалокдаги Устюрт газ-кимё мажмуаси қурилиши майдонига ташриф буюргангиз Корея Республикасининг ҳар учала муҳандислик-қурилиш компанияси вакилларида чуқур таассурот қолдирди.

Устюрт газ-кимё мажмуаси қурилиши майдонига ташриф буюриб, бизга илтифот кўрсатганингиз, бениҳоя мазмунли суҳбатингиз ва эзгу тилақларингиз учун самимий миннатдорлигимизни изҳор этиб, GS Engineering & Construction Corp. компанияси номидан Сизга мактуб ёзиш менга улкан шараф ва мамнуният бағишлайди. Сизнинг ташаббусингиз билан ташкил этилган байрам концерти бизга олам-олам завқ бағишлади.

Фурсатдан фойдаланиб, Устюрт газ-кимё мажмуаси қурилишидаги ишларимизга кўрсатаётган доимий ёрдамнингиз, юқори даражадаги меҳмондўстлик учун яна бир бор миннатдорлик билдираимиз.

GS Engineering & Construction Corp. компанияси бош директори сифатида ишонтириб айтаманки, биз Устюрт газ-кимё мажмуаси лойиҳасини сидқидилдан амалга оширамиз, қурилишни вақтида муваффақиятли яқунлаймиз ва уни фойдаланиш учун Ўзбекистон Республикасига топшираимиз.

Юксак эҳтиром ила,

**Бёнгён ЛИМ,**  
GS Engineering & Construction Corp.  
президенти ва бош директори.



Рустам Назарматов олган суратлар

Navqiron avlod so'zi

## ЎЗБЕКИСТОН ЁШЛАРИ ЭЗГУ МАҚСАДЛАР ЙЎЛИДА

**Юртбошимиз Ислом Каримовнинг 9 май — Хотира ва қадрлаш куни оммавий ахборот воситалари ходимлари билан суҳбатда билдирган фикрлари барча ўзбекистонлик ёшлар, шу азиз юртни севувчи ватандошларимиз, қаерда яшамасин, тинчликни қадрловчи барча инсонлар қатори мени ҳам тўлқинлантирди. Осмони мусаффо, келажаги буюк мамлакат фарзанди эканимдан фахрланиб кетдим.**

Юртбошимиз хотира ва қадр туйғуларининг ҳаётини қиймати, меҳр-оқибатнинг ҳақиқий инсоний фазилат экани тўғрисида, юртимизда ҳукм сураётган тинчлик ва осудалиқнинг қадрига етиш борасида гапирар экан, биз, ёшлар ҳақимизда ҳам меҳр билан сўзладилар. Давлатимиз раҳбарининг «Ёшларимиз, фарзандларимизнинг ёниб турган кўзлари, ғайрат-шижоати, би-

лимга интилиши, дунёда ҳеч кимдан кам бўлмайман, деган ҳаракатини ёруғ келажагимизнинг, эзгу мақсадларимизга эришишнинг асосий омили ва гарови сифатида кўраимиз», деган гаплари ҳар бир ўзбекистонлик йигит-қизнинг қалбига кириб бориб, уни янгидан-янги марраларга илҳомлантирди, десам муболаға бўлмайди.

Ҳар йилдан буён ёшлар таш-

килоти тизимида хизмат қилиб келаётганим, истеъдодли тенгдошларим, ука-сингилларим билан ишлаётганим учун бу нарса менга янаям равшан кўринса керак, деб ўйлайман: Ўзбекистон — ҳақиқатдан ҳам истеъдодли ёшлар мамлакатидир. Юртимизнинг бугунги ва эртанги салоҳиятини белгилаб берувчи ёш олимлар, тадқиқотчилар, спортчилар, санъаткорлар ва бошқа соҳа ёшлари билан мулоқотлар, уларнинг ишлари билан танишиш менга жуда катта мактаб вазифасини ўтаётир. Биринчи галда уларнинг ютуқлари, хатти-ҳаракатлари, интилишларини кўриб, мамлакатимиз эртаси бугунгиданда ёруғ, келажагимиз буюк эканлигига яна бир қарра ишонч ҳосил қиламан.

Сир эмаски, бугун айрим

мамлакатларда минг-минглаб ёшлар қўлига китоб ёки қалам эмас, қурол олишга мажбур бўлишмоқда. Замонавий университетларда таълим олиб, чуқур билим эгаллаш, ўзи танлаган соҳада илмий изланишлар олиб бориш, ихтиролар қилиш у ёқда турсин, бир инсон учун керак бўлган ҳаётини билимларни олиш, дағалроқ қилиб айтганда, саводли бўлиш ҳам насиб этмаётган тенгдошларимиз қанча. Биз, Ўзбекистон ёшлари эса, минг шукрки, ўзимиз хоҳлаган соҳада етук мутахассис бўлиш, илмий изланишлар олиб бориш, ихтиролар қилиш, янги-янги ғоялар ижод этиб, уларни ҳаётга татбиқ этиш имкониятига эгамиз. Мамлакатимиздаги тинчлик, осудалиқ, фаровонлик муҳити биз, ёшларга ҳар хил ёт нарсаларга чалғимай, фақат

илм олиш, ўрганиш, спорт билан шуғулланиб, ўз иқтидор ва қобилиятимизни, истеъдодимизни намоён этиш имконини бермоқда.

Шундай эзгу мақсадларга эришиш йўлида заҳмат чеккан инсонлар меҳнатини улуғлаш, улардан ўрнак олиш, кўрсатган жасоратларини эътироф этиб, булар ҳақида келажак авлодга етказиш, уларга муносиб авлодлар бўлиш, буюк неъмат — Мустақиллигимизни мустаҳкамлаш, уни кўз қорачиғидек асраб-авайлаш, тинчлик ва осуда ҳаётимизни қадрлаш биз, ёш авлоднинг, барчамизнинг бурчимиздир.

**Анвар ШРАЗОВ,**  
«Камолот» ЁИХ  
Қорақалпоғистон  
Республикаси  
кенгаши бўлим мудир

## Hududlardan mujdalar

ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН  
РЕСПУБЛИКАСИ

**Хотира ва қадр-лаш куни муносабати билан Чимбой туманида мактаб, академик лицей ва касб-хунар коллежлари ўқувчилари ўртасида югуриш мусобақаси бўлиб ўтди.**

Харакатнинг туман кенгаши ва Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси ҳудудий филиали ҳамкорлигида ўтказилган мусобақа голиблари фахрий ёрлик ва эсдалик совғалари билан тақдирланди. Шу куни фаол «Камолот»чилар тумандаги уруш ва меҳнат фахрийлари ҳолидан хабар олиб, уларга байрам совғаларини улашди.

**Чилонзор туманида волейбол бўйича ўқувчи-қизлар ўртасида ўтказилаётган «Камолот» кубоги» мусобақасининг туман босқичи бўлиб ўтди.**

Унда 1-Тошкент педагогика коллежи, Тошкент педагогика коллежи, 1-Республика тиббиёт коллежи, Чилонзор тиббиёт коллежи, Юнус Ражабий номидаги Тошкент педагогика коллежи ҳамда Чилонзор коммунал хўжалиги ва хизмат кўрсатиш касб-хунар коллежи ўқувчи-қизларидан ташкил топган жамоалар ўзаро беллашди. Мусобақа якунида биринчи ўринни 1-Тошкент педагогика коллежининг «Ёш педагоглар» жамоаси қўлга киритди. Иккинчи ўринни Тошкент педагогика коллежининг «Баркамол авлод» жамоаси эгаллаган бўлса, Чилонзор тиббиёт коллежининг «Лочин» жамоаси учинчи ўринга муносиб топилди.

ҚАШҚАДАРЁ ВИЛОЯТИ

**Қарши шаҳридаги Алишер Навоий номли маданият ва истироҳат боғида «Камолот» — сен билан бирга» лойиҳаси доирасида «Smail-shou» дастури бўлиб ўтди.**

Тадбирда ёшлар бадий чиқиш қилишди. «Камолот» лото» ўйини ташкил этилиб, истеъдодли ёш санъаткорлар ижросида концерт дастури ҳавола этилди. Эндиликда ушбу дастур август ойига қадар ҳар ҳафтанинг шанба куни ўтказиб борилади.

## ҚОНУНГА РИОЯ ҚИЛГАН ҚОҚИЛМАЙДИ

*Қаиқадарё вилоят «Ёшлар маркази»да «Сиз қонуни биласизми?» кўрик-танловининг вилоят босқичи бўлиб ўтди.*

«Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати вилоят кенгаши, вилоят ўрта махсус касб-хунар таълими, адлия, ички ишлар, маданият ва спорт ишлари бошқармалари, жиноят ишлари бўйича вилоят суди ҳамда вилоят прокуратураси ҳамкорлигида ўтказилган танловда вилоятдаги академик лицей ва касб-хунар коллежлари ўқувчиларидан иборат ўн тўртта жамоа ҳуқуқий билимларини намойиш этди.

Дастлаб жамоалар ўзлари таҳсил олаётган таълим муассасасида яратилган шароитлар, илмий, ижодий изланишлар учун мавжуд имкониятлари, мамлакатимиз суд-ҳуқуқ тизимида амалга оширилаётган ислохотларнинг мазмун-моҳиятини тушунтириб, жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтиришга қаратилган таклифларини кўргазмалар тарзда намойиш этишди. Танловнинг савол-жавоб шартида эса ўқувчиларнинг ҳуқуқий билимлари синовдан ўтказилди. Иштирокчилар навбатдаги шартда жамиятда



учрайдиган айрим ижтимоий-ҳуқуқий муаммоларни саҳна кўринишлари орқали намойиш этиб, уларни бар-тараф этиш ҳақидаги таклифларини ҳам билдириб ўтди.

— Бундай танловлар биз, ёшларнинг ҳуқуқий билимларимизни мустаҳкамлаб, жамиятда ўз ўрнимизни топшига ёрдам беради. Қолаверса, амалдаги қонунлар мазмун-моҳиятини яхши тушуниб оламиз. Ўз ҳақ-

ҳуқуқини билган инсон эса ҳаётда қоқилмайди, — дейди Шаҳрисабз педагогика коллежининг «Сенатор» жамоаси аъзоси Шаҳзод Узоқов.

Танлов натижаларига кўра, биринчи ўринга Қарши шаҳридаги Нуристон академик лицейининг «Сенатор» жамоаси сазовор бўлди. Иккинчи ўринни Шаҳрисабз педагогика коллежининг «Сенатор» жамоаси, учинчи ўринни Косон

педагогика-иқтисодиёт коллежининг «Истиклол» жамоаси қўлга киритди.

Танлов голиблари ва фаол иштирокчиларга «Камолот» ЁИХ вилоят кенгаши ҳамда ҳамкор ташкилотларнинг диплом ва эсдалик совғалари топширилди.

Голиб жамоа танловнинг республика босқичида иштирок этадиган бўлди.

**Шавкат КАРОМОВ,**  
«Turkiston» мухбири

■ E'tibor ■

## СПОРТЧИ ҚИЗЛАР ҚУВОНЧИ

*Мамлакатимизда спортга қаратилаётган юксак эътибор ёшларимизнинг ҳам жисмонан, ҳам маънан баркамол бўлиб камолга етишига замин яратмоқда. Навоий вилоятида ҳам ёшларни оммавий спортга жалб этиш борасида ижобий натижаларга эришилмоқда.*

Айни пайтда вилоятда фаолият кўрсатаётган 1727 та спорт иншоотининг 947 таси қишлоқ жойларда бунёд этилганлиги, қолаверса, 2003 — 2013 йиллар давомида Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси томонидан 76 та спорт объектининг фойдаланишга топширилганлиги соҳадаги амалий ишлар намунасидир.

Вилоятда 2012 йил ўтказилган «Умид ниҳоллари» спорт мусобақалари муносабати билан бир қатор замонавий қулайликларга эга бўлган спорт иншоотлари фойдаланишга топширилди. Айни пайтда улар ёшларнинг энг севимли масканига айланди.

Бугун вилоятда йигирма учта болалар ва ўсмирлар спорт мактаби самарали фаолият олиб бормоқда.

Уларда ташкил этилган спортнинг йигирма учта тури бўйича спорт секцияси ва бўлимларида 83 минг 829 нафар ўғил-қиз дарсдан кейин мунтазам жисмоний тарбия ва спорт билан шуғулланмоқда. Қувонарлиси, уларнинг 32 минг 529 нафари қизлардир.

Айни пайтда вилоят спортчилари «Баркамол авлод — 2014» спорт ўйинларининг республика финал босқичига пухта ҳозирлик кўрмоқда. Яқинда Навоий шаҳридаги «Ёшлар» спорт мажмуасида спорт билан мунтазам шуғулланадиган олти ёшдан ўн саккиз ёшгача бўлган 1681 нафар қизга Президент совғаси — спорт либослари тақдим этилди. Тадбирда вилоят ҳокими, Олий Мажлис Сенати аъзоси Эркинжон Турдимов сўз олиб, юртимизда спортга берилаётган эътибор, ёшларнинг, хусусан, қизларнинг бу борада қўлга киритаётган ютуқлари ҳақида тўхталиб ўтди.

Ушбу спорт кийимлари ўз эгаларига тантанали равишда топширилган экан, ҳаётини спорт билан боғлаган ёшларнинг қалби қувончга тўлди. Тадбир доирасида бадий гимнастикага ихтисослаштирилган мактаб ўқувчиларининг саҳнада ўз маҳоратларини намойиш этишлари жажжи қизларда спортга меҳр уйғотган бўлса, ажабмас.

**Отабек АСЛОҒОВ**

■ Ko'zgu ■

*«Камолот» ЁИХ Бухоро вилояти кенгаши «Юксак маънавиятли авлод» фестивалини ўтказди. Фестивал доирасида турли мусобақалар, учрашувлар, давра суҳбатлари ташкил этилди.*

## ЮКСАК ФАЗИЛАТЛАР КАМОЛ ТОПАДИ

Унда фестивалнинг туман, шаҳар босқичларида фаол қатнашиб, муваффақиятга эришган умумтаълим мактаблари, академик лицей ва касб-хунар коллежлари ўқувчилари, талабалар қатнашди.

Улар «Президент асарлари билимдони», «Бадий ижод», «Энг янги тарих билимдони», «Энг иқтидорли хунарманд», «Ўз асарида миллийликни акс эттирган рассом», «Ўз асарида миллийликни ифодалаган дизайнер», «Ватан куйчиси» танловларида иштирок этди.

Хунармандчилик буюмлари кўргазмаси ҳам бўлиб ўтди. Унда ёш зардўзлар, қандақору каштачилар яратган санъат асарлари намойиш этилди.

Голиблар «Юксак маънавиятли авлод» фестивалининг республика босқичига йўлланма олди.

**Лайло ҲАЙИТОВА,**  
«Turkiston» мухбири

# ЮКСАК ИШОНЧГА МУНОСИБ ЁШЛАР

Президентимиз Ислам Каримов 9 май —

*Хотира ва қадрлаш куни оммавий ахборот воситалари ходимлари билан суҳбатда ёшларимизни, эртанги кунимизнинг таянчи ва сунъи, давомчиси бўлган, тобора ҳал қилувчи кучга айланиб бораётган фарзандларимизни кўриб, уларнинг чехрасига боқиб, олдимизда турган барча-барча юксак марраларни эгаллаймиз, эзгу мақсадларимизга эришамиз, ўз муродимизга етамиз, деган ишончимиз янада мустаҳкамланади, деб таъкидлади.*

Ўзбекистон — ёшлар мамлакати. Республикамиз аҳолиснинг қарийб 60 фоизи 30 ёшгача бўлган ёшлардир. Уларнинг ҳеч кимдан кам бўлмаган шароитларда униб-ўсиши, замонавий билим ва касб-хунарларни пухта ўзлаштириши, интеллектуал салоҳиятини юксалтириш Президентимиз раҳнамолигида изчил амалга оширилаётган ислохотларнинг асосини ташкил этади.

Таълим тизимида ҳаётга муваффақиятли жорий этилган давлат дастурлари ушбу соҳани сифат жиҳатдан янги босқичга кўтариш, халқаро меъёрлар даражасида такомиллаштириш имконини бермоқда. Мамлакатимизда шаклланган узлуксиз таълим тизимининг муҳим бўғини — ўрта махсус таълим тизимини изчил ривожлантириш мақсадида юзлаб лицей ва коллежлар қурилиб, замон талаблари асосида жиҳозланди. Янги таълим стандартлари, дарслик ва қўлланмалар яратилди. Илғор педагогик ва ахборот технологиялари, ин-

терфаол усуллар татбиқ этилди. Буларнинг барчаси ёшларимизнинг маълум ихтисослик асосида таълим олиб, муайян касб-хунар эгаси бўлишига хизмат қилмоқда.

Ўрта махсус, касб-хунар таълими марказидан олинган маълумотларга кўра, жорий йилда 1394 касб-хунар коллежини 495 минг нафардан ортиқ ёш битиради. Айна пайтда улар иш берувчи корхона ва ташкилотларга бириктирилиб, уч томонлама шартномалар тузилган.

Давлатимиз раҳбарининг 2010 йил 28 июлда қабул қилинган «Таълим муассасаларининг битирувчиларини тадбиркорлик фаолиятига жалб этиш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги фармони бунда муҳим дастуриламал бўлаётди.

— Бу йил коллежни битириб, ўз бизнесимни йўлга қўймоқчиман, — дейди Фарғона вилояти Ёзёвон иқтисодиёт касб-хунар коллежи битирувчиси Шоҳрух Араббоев. — Халқ банки туман

филиалига тақдим қилган бизнес лойиҳам маъқулланиб, 50 миллион сўм кредит ажратилди. Ана шу маблағ эвазига маҳалламизда аҳолига хизмат кўрсатиш тармоғи ташкил этиб, уч нафар тенгдошимни иш билан таъминлашни мақсад қилганман.

Тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиш истагини билдирган коллеж битирувчиларининг ўз бизнесини ташкил этишида «Микрокредитбанк» томонидан ажратилаётган имтиёзли кредитлар муҳим аҳамият касб этмоқда. Масалан, 2013 йилда банк томонидан ажратилган 21,4 миллиард сўм кредит ҳисобига беш минг икки юздан ортиқ битирувчи тадбиркорлик фаолиятини йўлга қўйган. Жорий йилда бу миқдор 40 миллиард сўмга етиши режалаштирилган. Бу яна ўн мингга яқин ёш тадбиркор сифатида иш бошлашини англатади.

— «Микрокредитбанк» ходимлари бизнес-режамни кўриб чиқиб, 1 миллион 800 минг сўмлик имтиёзли кредит ажратди, — дейди Сурхондарё вилояти Жарқўрғон саноат касб-хунар коллежи битирувчиси Сайфиддин Ҳайитов. — Ушбу кредит ҳисобидан замонавий иссиқхона очиш ҳаракатидаман. Туманимизда бунга эҳтиёж бор. Энг муҳими, бир неча тенгқурларим иш билан таъминланади.

Ҳар йили Мустақиллик байрами арафасида ўзининг фидокорона меҳнати ва эл-юрт фаровонлиги

йўлидаги алоҳида хизматлари учун Ватанимизнинг юксак мукофотларига сазовор бўлаётган юртдошларимиз орасида ёшлар ҳам кўплиги ёш авлоднинг ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий ислохотларга қўшаётган ҳиссаси муносиб тақдирланаётганидан далолат беради.

— Бу муқаддас замин истеъдодларга ҳамиша бой бўлган, — дейди Навоий давлат кончилик институти талабаси, «Шухрат» медали соҳиби Баҳодиржон Абдуллаев. — Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида ёш авлод камолотига қаратилаётган алоҳида эътибор ва ғамхўрлик биз, ёшларнинг истеъдодимиз юзага чиқиши, илм-фан, маданият ва спорт соҳаларида Ватанимиз шарафини улғулашга хизмат қилмоқда. Мен ихтиро қилган «Масофавий индикатор» қурилмаси Навоий машинасозлик заводи мутахассислари томонидан синовдан ўтказилди. Ҳозирги кунда бу қурилма амалиётда қўлланилмоқда.

Ёшлар ўзларига билдирилаётган ишонч ва ғамхўрликни теран ҳис қилган ҳолда, халқимиз, Президентимиз уларга катта умид боғлаётганини яхши англайди. Ёшларимиз бу ишончни аъло ўқиши, илмий-ижодий муваффақиятлари, мамлакатимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлиги йўлидаги фидокорона меҳнат билан оқлашга астойдил ҳаракат қилмоқда.

**Абу Бакир ҲОЗОВ,  
ЎЗА шарҳловчиси**

## Hududlardan mujdalar

ЖИЗЗАХ ВИЛОЯТИ

**Ҳаракатнинг Зарбдор тумани кенгаши мактаб ўқувчилари ўртасида «Экология ва мен» кўрик-танловини ўтказди.**

Ўқувчи-ёшлар қалбида табиатни асраб-авайлаш туйғусини ошириш мақсадида ташкил этилган танловда жамоалар учта шарт бўйича экология ва табиат ҳақидаги билимларини синовдан ўтказишди. Танлов натижаларига кўра, 1-мактабнинг «Табиатшунослар» жамоаси ғолибликни қўлга киритди. Иккинчи ўринни 9-мактабнинг «Ёш биологлар» жамоаси эгаллаган бўлса, учинчи ўринга 3-мактабнинг «Қалдирғоч» жамоаси муносиб топилди.

НАВОИЙ ВИЛОЯТИ

**Навбахор туман марказий стадионида футбол бўйича академик лицей ва касб-хунар коллежлари ўқувчилари ўртасида ўтказиб келинаётган «Камолот» кубоги мусобақасининг вилоят босқичи бўлиб ўтди.**

Дастлаб Навоий индустриал-иқтисодиёт касб-хунар коллежи жамоаси билан Конимех қишлоқ хўжалиги коллежи жамоаси майдонга тушди. Қизгин руҳда кечган ўйинда омад Навоий шахрининг ёш футболчиларига кулиб боқди. Навбахорлик ва нуроталик ёш футболчилар баҳси ҳам томошабинларда катта қизиқиш уйғотди. Бу ўйинда навбахорлик футболчилар рақибларидан устун эканлигини исботлашди. Хатирчи агросервис касб-хунар коллежи ва Учқудуқ кончилик касб-хунар коллежи жамоалари ҳам ўз куч ва ғайратларини майдонда синаб кўришди. Ўйинда хатирчилик футболчиларнинг қўли баланд келди ва улар биринчи ўринни қўлга киритди.

ФАРҒОНА ВИЛОЯТИ

**Фарғона шаҳрида «Яшил патруль» лойиҳаси доирасида акция ўтказилди.**

Ёшларда экологик маданиятни ошириш, яшаб турган ҳудудини тоза сақлаш, атроф-муҳитни асраб-авайлашга чорловчи ушбу акцияда турли лойиҳалар ташкил этилди. Унга мактаб, академик лицей, касб-хунар коллежи ўқувчилари ҳамда йўловчилар жалб этилди. Улар табиат билан боғлиқ турли саволларга жавоб бериб, расмлар танловида, инглиз тилида сўзлар таржимаси, «Қизил китоб»га киритилган ҳайвонлар ва қушлар номини ёзиш, қоғозлардан шакллар ясаш каби ўйинларда иштирок этди. Энг кўп баллга эга бўлган иштирокчилар Ҳаракатнинг Фарғона шаҳар кенгаши эсдалик совғалари билан тақдирланди.

■ *Bolalar sporti* ■

## ҲАВАСКОРЛАР ГРОССМЕЙСТЕРГА ҚАРШИ

*Пойтахтимиздаги Фафур Фулом номидаги маданият ва истироҳат боғида «Спорт билан ҳамқадам ёшлар» тадбири бўлиб ўтди. Чилонзор туман прокуратураси ҳамда «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Чилонзор тумани кенгаши ҳамкорлигида ўтказилган ушбу тадбир кам таъминланган оила фарзандларини спортга кенг жалб этиш мақсадида ташкил этилди.*

Унда Чилонзор туманидаги таълим муассасаларида ўқувчи шахматга қизиқувчи ёшлар ҳамда турли мусобақа ва танлов ғолиблари иштирок этди. Тадбирда «Ўзбекистон ифтихори» фахрий унвони соҳиби, шахмат бўйича халқаро гроссмейстер Нафиса Мўминова иштирок этиб, тенгдош ва ука-син-

гилларига эришган ютуқлари ҳақида гапириб берди.

Нафиса Мўминова бир вақтнинг ўзида ўн битта столда ўн бир нафар иштирокчи билан мусобақага киришди. Халқаро гроссмейстер иштирокчиларнинг барчасини доғда қолдирди. Шу тариқа Нафиса Мўминова мусобақа учун тайёрланган ўн битта столда уч маротабадан ўттиз уч нафар шахматчи билан ўзаро беллашиб, барча иштирокчиларни мағлуб этди.

Бу Нафисанинг ёш ҳаваскорлар учун мастер-класси бўлди.

— Биз, ёшларга берилаётган имконият ва кўрсатилаётган ғамхўрликларни бошқа мамлакатларда учратиш қийин. Бугунги мусобақада шахматга астойдил қизиқувчи тенгдошларимни кўриб, хурсанд бўлдим. Уларнинг ақл билан дона суришлари, ўйин техникаси, қабул қилаётган қарорлари мени бироз шошириб ҳам қўйди, очиги. Келажакда бундай маҳорат дарслари ва машғулотларни янада кўпайтириш тарафдориман, — дейди машҳур ўзбек гроссмейстери Нафиса Мўминова.

Мусобақа якунида барча иштирокчиларга Чилонзор туман ҳокимининг фахрий ёрликлари тақдим этилди.

**Баҳодир ЗИЁВИДИНОВ**

■ *«Barkamol avlod — 2014»* ■

*«Баркамол авлод — 2014» спорт ўйинларининг республика финал босқичи Наманган вилоятида ўтказилди. Унда академик лицей ва касб-хунар коллежларининг 996 нафар ўқувчиси спортнинг 16 тури бўйича ўзаро беллашади.*

## СТАРТДАН ОЛДИНГИ МУҲОКАМА

Бу ҳақда Ўзбекистон миллий матбуот марказида бўлиб ўтган матбуот анжуманида маълумот берилди. Шунингдек, мусобақани кўтаринки руҳда ўтказиш, турли давра суҳбатларию учрашувларни ташкиллаштириш бўйича ҳам сўз борди. Беллашув доирасида жойларда «Ўзбекино» Миллий агентлиги Наманган вилоят бўлими томонидан ҳужжатли, бадиий фильмлар, Алишер Навоий номидаги вилоят мусиқали драма ва комедия театрида спектакллар намойиш этилиши таъкидланди. Ёш спортчиларни ашула ва рақс ансамблларининг чиқишлари янада руҳлантириб, ғалабага чорлашига ишонч билдирилди.

Ўз навбатида, журналистлар ўзларини қизиқтирган саволларга жавоблар олишди.

**Шахло АБДУҚАЮМОВА,  
«Turkiston» муҳбири**

ШЕРЗОД РАҲИМОВ:

# «РАҚОБАТ МУҲИТИДА «КАМОЛОТ» ЎЗ СЎЗИНИ АЙТЯПТИ»

«Turkiston» savol beradi» loyihasi doirasida bu gal «Kamolot» ёшлар ижтимоий ҳаракатининг Фарғона вилояти раиси билан суҳбатлашдик. Шерзод Раҳимов Фарғонадаги қарийб 1,5 миллион нафар ёшни бирлаштириш ғояси, Боғдо туманига совға қилинган автобус, хорижнинг нони ким учун ва нима учун «ширин» туюлаётгани, вилоят корхоналарида очилган ўн еттита янги бошланғич ташкилот, ёшлар билан ўтказилган 52 та учрашув, вилоят марказидан олис туманларга етиб бормаётган лойиҳалар ҳақида ўз фикрларини билдириб ўтди.

— «Kamolot» ёшлар ижтимоий ҳаракати негизда ёшларни бирлаштириш мақсади туради. Лекин мамлакатимизда ёшлар ташкилотига ягона эмас. Тенгдошларимизда танлаш имконияти бор. Улар қизиқшларига қараб турли ташкилотларга аъзо бўлишлари мумкин. Нима деб ўйлайсиз, мана шундай ўзига хос рақобат муҳитида «Kamolot» ўз ўрнини нечоғлик мустаҳкамлаб олган?

— «Kamolot» ёшлар ижтимоий ҳаракати бу йил 13 ёшга тўлди. Ҳозир Ҳаракат ёшлар орасида ҳам, жамиятда ҳам мустаҳкам ўрнини топди, деб ҳисоблайман ва ёшлар билан боғлиқ кўп масалаларда ўз сўзини айтаяпти. Республика-мизда аксарият ёшлар «Kamolot» атрофида бирлашган. Улар ўз хоҳиш ва интилишларини ушбу ташкилот орқали рўёбга чиқаришига ишонади. Вилоятимизда қарийб 1,5 миллион нафар ёш истикомат қилса, шулардан олти юз минг нафардан зиёди Ҳаракат ва унинг муассислигидаги болалар ташкилотига аъзо. «Kamolot»-чиларнинг ҳаммаси аниқ мақсадга эга, фаол ёшлардир. Бу ташкилотнинг катта устуни, албатта.

— 2014 йил «Kamolot» ёшлар ижтимоий ҳаракати тизимида «Бошланғич ташкилотлар йили» деб эълон қилинди. Сизнингча, бу бошланғич ташкилотлар фаолиятини жонлантиришга бўлган навбатдаги ури-нишми?

— Фаоллигини оширишга бўлган ҳаракат десак, тўғрироқ бўлади. Иморатнинг пой-девори мустаҳкам бўлса, юксакка қанча бўлсин буй чўза олади, шундай эмасми? Бошланғич ташкилотлар — «Kamolot»-нинг негизи. Уларни доимо мустаҳкамлаб туриш керак. Модомики, ёшлар орасига кенгроқ кириб боришни истар эканмиз, биринчи галда, бошланғич ташкилотларга эътибор қаратишга тўғри келади. Ёшлар билан елкама-елка ишласаккина Ҳаракат ри-

вожланади. Ўтган йили ўн еттита корхона ва ташкилотда Ҳаракатнинг куйи бўғинларини ташкил этдик. Вилоятимизда бошланғич ташкилотларнинг сони 1340 тага яқинлашди. Эътиборлиси, охириги пайтларда бошланғич ташкилот тузиш ташаббусини корхона ёки муассаса раҳбарларининг ўзлари кўрсатмоқда.

— Термиз давлат университети талабаси Шавкат Шукуровнинг фикрича, «Kamolot» ЕИҲ бошланғич ташкилотларининг моддий-техник базасини яхшилаш керак. «Kamolot» хоналари янги компьютерлар, фото ва видеокамера, проектор, принтер, сканер, ксерокопия аппаратлари билан жиҳозланган, иш унумдорлиги сезиларли ошади. Сизнингча, бошланғич ташкилот ишининг самарадорлиги унинг моддий-техник таъминотига қанчалик боғлиқ?

— Албатта, қўлай шароит яратилса, инсон жўшиб ишлайди. Аммо жамоатчилик ишларида моддий манфаат бирламчи ҳисобланмайди. Бу билан мен моддий-техник таъминотга аҳамият қаратилмасам ҳам иш бўлаверади, демократи эмасман. Яқинда бошланғич ташкилотлар етакчилари билан учрашувда шу масала яна бир қарра кўтарилди. Етакчиларимизнинг 95 фоизи ўз хонаси, иш шариоитига эга. Тўғри, қимда-дир, айтайлик, янги русумдаги компьютер бўлмаслиги мумкин. Лекин, умуман олганда, техник таъминот ёмон эмас. Асосий гап етакчининг ўзида. Учрашувда Фарғона шаҳридаги 1-ихтисослаштирилган умумтаълим мактабининг етакчиси ўзидан мисол келтирди. Уни дастлаб директор ўринбосари билан бир хонада ўтиришга тўғри келган. Шунга қарамай, етакчи ўзи ҳаракат қилиб хонани ҳам, хонадаги компьютерни ҳам «Kamolot»га алоқадор тарғибот материалларию ҳужжатлар билан тўлдириб ташлади. Унинг бундай

фаоллигини кўрган директор ўринбосари ҳам хонани охир-оқибат шу етакчига бўшатиб беришга рози бўлади. Мана, етакчи қандай бўлиши керак! Ҳар қайси етакчи ўз ишини яхши кўриб, куч-ғайратини аямаса, бошланғич ташкилотда самара, албатта, бўлади. Ўз навбатида, биз ҳам бошланғич ташкилотларни ўз ҳолига ташлаб қўйганимиз йўқ. Моддий-техник ҳолатини яхшилаш, намунали етакчиларни рағбатлантиришга доимо эътибор қаратамиз. Бизга маҳаллий ва вилоят ҳокимликлари ҳам ёрдам берапти. Куни кеча Боғдо туманида «Биз буюк юрт фарзандларимиз!» шiori остида ўтказилган фестивал якунида туман ҳокими ёшларга автобус совға қилди.

— Ўтган йили ёшлар билан 52 маротаба учрашув ўтказган экансиз. Ўзаро мулоқотларда ёшлар, асосан, қандай тақлиф-мулоҳазалар билдиришди, қандай муаммоларни кўтариб чиқишди? («Kamolot» ЕИҲ Жиззах вилояти кенгаши матбуот хизматининг етакчи му-тахассиси Дилшод Эргашев)

— Ўқувчи-ёшлар, асосан, ўзлари таълим олаётган мактаб ёки коллежда турли тўғра-рақларни кўпайтиришни, қолаверса, «оммавий маданият»га қарши курашиш ва соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш борасида янги лойиҳаларни амалга оширишни сўрашади. Фарғона вилоятида 19 та туман ва шаҳар бор. Унтаси бошқа республиканинг билан чегарадош. Шу ҳудудлардаги ёшларнинг тақлиф-истакларини алоҳида инobatга олишимиз. Айтиш керакки, бошланғич ташкилотларнинг 95 фоизи ўз хонаси, иш шариоитига эга. Тўғри, қимда-дир, айтайлик, янги русумдаги компьютер бўлмаслиги мумкин. Лекин, умуман олганда, техник таъминот ёмон эмас. Асосий гап етакчининг ўзида. Учрашувда Фарғона шаҳридаги 1-ихтисослаштирилган умумтаълим мактабининг етакчиси ўзидан мисол келтирди. Уни дастлаб директор ўринбосари билан бир хонада ўтиришга тўғри келган. Шунга қарамай, етакчи ўзи ҳаракат қилиб хонани ҳам, хонадаги компьютерни ҳам «Kamolot»га алоқадор тарғибот материалларию ҳужжатлар билан тўлдириб ташлади. Унинг бундай

этилди. Масалан, ҳозир сунъий қопламали футбол майдончаларининг сони беш юздан ошди. Бу ҳам йигит-қизларнинг бўш вақтини мазмунли ўтказиши учун қўшимча имкониятдир. Бундан ташқари, ёшларнинг та-лаблари асосида туман ва шаҳарларда спорт клублари, маданият объектлари қайта таъмирланмоқда.

— «Kamolot» ёшлар ижтимоий ҳаракати бугунги кунда Фарғона вилояти ёшларининг муаммоларини етарли даражада ҳал этаётими? (Бухоро шаҳридан Хуршид Шаропов)

— Раҳмат, ўринли савол. Шубҳасиз, эрта турмуш масаласида «Kamolot» хотин-қизлар кўмитаси ва бошқа ташкилотлар билан ҳамкорликда ишлаяпти. Аввало, тушунтириш ишларини олиб борапти. Мен бир гапни доимо такрорлайман: ҳеч қайси қиз 17-18 ёшга тўлиб мен турмушга чиқаман, деб уйдагиларига хархаша қилмайди. Муаммони келтириб чиқараётган ота-оналар. Шу боис биз фақат қизлар билан ишлайверсак, муаммо ҳал бўлмайди. Ҳозир эрта турмушнинг хунук оқибатлари ҳақида кўпроқ ота-оналарга тушунтиришга тўғри келяпти. Токи уларнинг ўйламай, баъзан шошма-шошарлик билан қабул қилган қарори фарзандларини бахтсиз қилиб қўймасин.

— Вилоятнинг чекка ҳудудларига етиб бормаётган «Kamolot» лойиҳалари ҳам борми? (Харакатнинг Мингбулоқ тумани кенгаши раиси Сардор Ғиёсов)

— Барча лойиҳаларни туман ва шаҳарларда амалга оширишнинг илоҳи йўқ. Бунга тўғри тушуниш керак. Масалан, фестиваль муносабати билан вилоят марказида гала-концерт уюштирилса, унга вилоятдаги жамийки ёшларни тақлиф этолмаймиз-ку. Аммо Ҳаракатнинг асосий лойиҳалари, бу кўрик-танлов ва мусобақалар бўладими, турли акция ёки тарғибот тадбирлари, шаҳар ва туманларда баравар ўтказилади.

— Вилоятдаги қайси ту-

мак ва шаҳарларда ёшларнинг фаоллиги ошмоқда? (Аброр Отабоев, Фарғона политехника институти талабаси)

— Бешариқ, Фурқат, Богдо тумани ёшларининг фаоллиги сезиларли ошди. Ҳаракатнинг Қўштепа тумани ва Кувасой шаҳар кенгашлари фаолиятида ҳам жонла-ниш бор. Аслида, мана бу туманда ёшлар фаол, бошқасида эса сустроқ, деёлмайман. Зеро, Ҳаракат ривожлангани сайин ёшлар ҳам унинг мақсад ҳамда вазифаларини те-ранроқ англаяпти.

— Мамлакатимиз ёшлари сиёсий жиҳатдан фаол бўлишлари учун қандай ишларни амалга ошириш лозим? (Вобкент тумани «Kamalot» болалар ташкилот раиси Абдулазиз Мухамедов)

— Президентимизнинг шу йил 6 февралдаги қарори билан тасдиқланган Давлат дастурида ёшларнинг ҳуқуқий саводхонлиги ва сиёсий фаоллигини ошириш ёшларга оид сиёсатнинг устувор йўналиши қилиб белгиланди. Бу бўйича бир қатор тарғибот лойиҳаларини амалга ошириш ҳам кўзда тутилган. Ёшлар сиёсий жиҳатдан фаоллашиши учун тарғиботни кучайтириш керак, назаримиз. Тарғиботни нафақат таълим муассасалари, керак бўлса, маҳаллаларда, тадбиркорлик, хунармандчилик ва бошқа турли касб-кор билан шугулланувчи ёшлар орасида ҳам олиб борсак, мақсадга мувофиқ бўлади.

— Ёз яқинлашмоқда. Ҳадемай, талабалар таътилга чиқишади. Бу йилги мавсумда Фарғона вилоятининг неча нафар ёш «Бунёдкор» меҳнат ҳаракати-га жалб этилади?

— Яқинда Наманган шаҳрида бўлиб ўтаётган «Баркамол авлод» спорт мусобақалари учун бир қатор спорт объектларининг қурилишида вилоятимиздан икки юз нафар ёш иштирок этади. Улар, асосан, маҳаллалардаги уюшмаган ёшлар бўлиб, «Бунёдкор» ёшлар меҳнат ҳаракати ор-

қали ишга жалб этилди. Жо-рий йил давомида «Бунёд-кор» меҳнат ҳаракати» лойи-ҳаси доирасида ўн минг на-фар ёшни вақтинча иш билан таъминлашни кўзда тутяп-миз. Вилоятда мавжуд бўш иш ўринлари ҳақида маълумотларни тўплаб, иш бери-учи ташкилотлар билан иш ҳақи, ҳажми, шароит ва шар-тлари ҳақида келишиб оляп-миз. Ҳозирча ҳар бир туман-дан 30-40 кишилик биттадан «Бунёдкор» меҳнат гуруҳини тузишни режалаштирганмиз. Демак, ёз келиши билан Фарғона вилоятида 19 та меҳнат гуруҳи ўз фаолияти-ни бошлайди. Улар учун иш жойлари тайин. «Бунёдкор»-чилар, асосан, қишлоқларда намунали уй-жойлар қури-лишига жалб этилади. Албатта, «Бунёдкор» ёшлар меҳнат ҳаракати фақат ёз мавсуми-да фаолият юритмайди. Ма-ҳаллалардаги ёшларни йил бўйи иш билан банд этишни мақсад қилганмиз.

— Фарғона вилоятида «Kamolot» уйларини қуриш қачон бошланади? (Харакатнинг Пешку тумани кенга-ши раиси Жўрабек Умидов)

— Ҳозирги кунгача барча туман ва шаҳарларимизда «Kamolot» уйларини қуриш учун ер участкалари аниқлаб олинди. Бунинг учун, асосан, ўзаги бор, янги қурилиши тугалланмаган бинолар тан-ланган. Ушбу объектлар ре-конструкция қилинади. Мус-тақиллик байрамигача «Камолот» уйларини Кувасой, Тош-мақсад ва Учкўприк туманлари-да қуриб битказиш режалаш-тирилган. Фарғона вилояти-да йирик саноат корхонала-ри кўп. Айримлари ташаб-бус кўрсатиб, ёш оилалар учун «Kamolot» уйларини қуришни бошлаб юборишди.

— Ёшларнинг бандли-гини таъминлаш хуусида гап борганда ҳар сафар ёшларнинг ишлаш учун хорижга чиқиб кетаётган-лиги муаммосини тилга олишга тўғри келади. Хо-рижга кетаётганлар ораси-да вояга етмаганлар ҳам бор. Нега айрим коллеж



## Блиц-саволлар:

- Қайси ҳолларда ёлғон гапирасиз?
- Ёлғон яхшилиқка хизмат қилишини билсам.
- Нимадан кўпроқ афсусланасиз?
- Бекор ўтказган вақтимдан.
- Устун жиҳатингиз нимада?
- Билмадим.
- Заиф томонингиз-чи?
- Бу ҳақда ҳам уйлаб кўрмаганман.
- Ёқтирган шоир ёки адибларингиз-дан учтасининг номини айтинг.
- Саид Аҳмад, Чингиз Айтматов, Мухаммад Юсуф.
- Иш фаолиятида қайси китоб ёки асарга кўпроқ муурожаат қиласиз?
- Ўткир Хошимовнинг «Дафтар хошияси-даги битиклар» асарига.
- Охириги марта қайси бадий асарни мутолаа қилгансиз?
- Мушфиқ Козимий, «Кўрқинчли Техрон».
- Севимли бастакорингиз ким?
- Йўқ.
- Қайси тарихий шахслар билан замондош бўлишни хоҳлардингиз?
- Жалолиддин Манғуберди билан.
- Қайси эзгу иш ёки хислатни кўпроқ қадрлайсиз?
- Инсонни тушунишни.
- Қайси камчиликни осон кечирасиз?
- Билмай қилинган хатони.
- Нимани ҳеч қачон кечира олмай-сиз?
- Хиёнатни.
- Бу учрашувда сиз кутган, лекин берилмаган савол борми?
- Фарғона вилоятида олиб борилаётган бунёдкорлик ишлари тўғрисидаги саволни кутганим.

ўқувчиларининг онгида «хорижнинг нони ширин» деган хомхаёл ўрнашиб қоляпти?

— Чинданам оғир масала-ни кўтардингиз. Бу муаммо билан «Kamolot», «Маҳалла» хайрия жамоат фонди ва бошқа ташкилотлар ҳарчанд курашмасин, афсуски, кол-леж ўқувчилари орасида чет-елга ошқувчилар ҳамон уч-рамоқда. Назаримда, бу ёшларнинг бирдан-бир мақ-сади тезда бойиб кетиши. Бир йилга бормай, машина олиб-мингисни келади. Мана шу фикр уларнинг онгига ўрна-шиб қолган. Эй, баракка топ-кур, хорижда сени биров-даста-даста пул билан кутиб тургани йўқ-ку! Ахир, булар ҳар-хў-ҳавас, хомхаёл, пуч ор-зулар, холос. Мана шу

ҳақиқатни ёшларга теран-англайтиб, қизиқшини тўғри-йўналтириш бизнинг вазифа-мизга киради. Бошқа томон-дан, мазкур муаммо юзаси-дан ота-оналар билан жид-дий ишлаш керак. Чунки би-рорта ҳам ёш уйдан ўз бил-ганича чиқиб кетмайди ёки ўз-ўзидан хорижга қочиб ке-ляётгани йўқ. Аксарият ота-оналар ва вояга етмаган ёшларга «хорижнинг нони ширин эмас»лигини тушун-тирغانда, ўзимизда яратил-ган шароитлар, иш ўринла-ри ҳақида маълумот бериш лозим. Президентимиз ҳар бир маърузасида ёшларнинг бандлигини таъминлаш ма-саласига алоҳида тўхталади. Бошқа томондан, чет элга ке-

таман, деб турган тенгдоши-миз ўзга юрда топадиган ўн сўмини ўз юртида ҳам ишлаб-хориж нонини орзу қилмай-ди, деб ўйлайман. Бизда му-носиб иш ўринлари бор, ал-батта. Лекин уларни янаям-кўпайтириш, ёшларга кенгроқ-шароит яратиш керак. Фар-ғона вилоятида жорий йилда бандлик дастури бўйича юз мингга яқин иш ўрни яратиш кўзда тутилган. Яна салкам 21,4 мингга янги иш ўрни банклар кўмағида яратилади. Шунингдек, «Kamolot» лойи-ҳалари орқали бу йил беш минг нафарга яқин ёш тад-биркорлик билан шугулланиш истагини билдирган. Уларга жами 28 миллиард сўм кре-дит маблағларини ажратиш мўлжалланмоқда. Шунга қарамай, айрим ёшларда мен завод ёки фабрикада ишлаб-қачон пул тўплайман-у, қачон машина оламан, деган тасав-вур ҳалиям кучли.

— Жорий йилда тасдиқ-ланган ёшларга оид Дав-лат дастурига мувофиқ, июль ойида Фарғона шаҳ-рида «Вояга етмаганларни турли маънавий таҳдидлар ва информацион хуруж-лардан ҳимоя қилишнинг долзарб масалалари» мав-зусида республика илмий-амалий конференциясини ўтказиш режалаштирил-ган. Фарғоналик «Kamolot»-чилар мазкур анжуман-дан қандай натижа кутиш-япти?

— Вилоят Маънавият тар-ғибот маркази билан ҳамкор-ликда конференцияга тайёр-ликда ишларини олиб бо-ряпмиз. Асосий мақсад кон-ференция мавзуси қилиб тан-ланган муаммолар юзасида ёшларнинг фикрини ва муно-сабатини олишдир. Шу асно-да вояга етмаганларни турли маънавий таҳдидлар ва ахбо-рот хуружларидан ҳимоя қилишда ёшлар ва уларнинг ота-оналари билан қандай ишлашимиз керак, деган сав-олга ҳам ойдинлик кирити-шимиз мумкин. Зотан, ўтган йиллар тажрибаси ота-она-ларнинг ўзлари билан профи-лактик ишларни олиб бориш кераклигини кўрсатмоқда. Анжуман натижалари бўйича бир нечта лойиҳани ишлаб-чиқиш режалаштирилган.

— Юксак маънавиятли ёшларни тарбиялаш мам-лакатимизда ёшларга оид давлат сиёсатининг усту-вор йўналишларидан ҳисобланади. Шу муноса-бат билан сизга иккита саво-лим бор. Биринчиси: юксак маънавиятли инсон ким? Иккинчиси: бундай инсонни қандай қилиб тар-биялаш мумкин?

— Бу мавзуда Юртбошимиз «Юксак маънавият — энгил-мас куч» асарига атрофлича фикр юритган. Шундан келиб чиқиб, мен юксак маънавият-ли инсон деганда мустақил фикрлайдиган, Ватан манфа-ати йўлида тинмай меҳнат қилувчи, ўз тарихи, миллий қадриятларини ҳурмат қила-

диган, фарзандларига тўғри тарбия бера оладиган, аж-додларимизнинг бой мада-ний ва маънавий меросини асраб-авайлаб, кейинги ав-лодларга тарғиб эта олади-ган шахсни тушунаман.

— Фарғоналик ёшлар ўртасида китобхонлик анъ-анаси қандай ривожлан-моқда? Уларни китоб ўқишга қизиқтириш учун олиб борилаётган амалий ишлар тўғрисида гапир-сангиз. (Бухоро шаҳридан Зулфизар Мавлонова)

— Ўтган йили республика-мизда биринчилар қаторида «Китоб байрами» айнан Фар-ғона вилоятида ўтказилган эди. Унда ўн минг нафарга яқин аҳоли, ёшлар иштирок-этиди. Юз мингдан ортиқ ки-тоб кўргазмага қўйилди. Ҳам-кор ташкилотлар билан бир-га ҳар бир туман ва шаҳар ку-тубхоналарига китоб совға қилиш ташаббуси билдирил-ди. Масалан, биз ёшлар ўрта-сида китоб акциясини ўтка-зди, Фарғона туманининг марказий кутубхонаси фон-дига 1,5 мингга яқин китоб йиғиб бердик. Ҳозир тадбир-ларимизда фаол ёшларга ки-тоблар тўпламларини совға қилиш ўзига хос анъанага ай-ланган. Айрим лойиҳалар до-ирасида китоб савдо ярмар-каларини ҳам ташкил қиляп-миз. Айтмоқчиманки, китоб-хонлиқни ёшлар орасида ом-малаштириш бўйича етарли ишлар қилинмаяпти. Ёшлар ҳам, ҳозирги замонда ахборот-коммуникация технологияла-ри ривожланганига қарамай, китобга бефарқ эмас. Мен Фарғонада қўлида замонавий русумдаги уяли телефон ап-паратини тутиб, митти эк-ранда электрон китобларни мутолаа қилаётган ёшларни кўп учратаман.

— Ҳозир бермоқчи бер-ган савол лойиҳамизга аноним тарзда келган ва у учрашувимиздаги охириги савол бўлади. Агар бугун «Kamolot» ёшлар ижтимо-ий ҳаракатида фаолият юритмаганимизда сизни қайси соҳада кўришимиз мумкин бўларди?

— Мутахассислигим тарих-чи бўлгани учун, педагог си-фатида фаолият кўрсатган бўлардим.

Суҳбат якунида Шерзод Раҳимов Ромитан тумани-дан Нигинабону Рамазона-ванинг қизларнинг эрта турмушга узатилишига доир саволини энг яхши савол деб топди.

«Kamolot» ёшлар ижтимоий ҳаракатининг Фар-ғона вилояти кенгаши раиси билан интервьюнинг тўлиқ вариантини [www.kamolot.uz](http://www.kamolot.uz) ҳамда [www.turkiston.uz](http://www.turkiston.uz) сайт-ларида онлайн видео форматда томоша қили-шингиз мумкин.

Наргиза УМАРОВА,  
«Turkiston» муҳбири.

Носир Ҳайдаров олган сурат.

### ■ Harbiy vatanparvarlik ■

**Мудофаага кўмаклашувчи «Ватанпарвар» ташилотининг Бекобод туман ўқув-спорт техника клуби ёшларда ватанпарварлик ҳиссини янада оширишга алоҳида эътибор қаратмоқда. Клубга қарашли «Ҳарбий ватанпарвар» махсус спорт мактабининг ташикл этилганига кўп бўлмаган эса-да, мактаб ўқувчилари турли спорт мусобақаларида фахрли ўринларни эгаллашди.**

## ШИЖОАТНИ КАМАР ҚИЛИБ

Улар Тошкент шаҳрида бўлиб ўтган таэквондо бўйича Ўзбекистон аънавий очик чемпионатида ҳам яхши иштирок этишди. Халқаро мақомга эга бўлган мазкур мусобақада Россия ва Қозоғистондан келган ёш спортчилар ҳам қатнашди. 972 нафар спортчи иштирокида ўтган ушбу баҳсда «Ҳарбий ватанпарвар» махсус спорт мактаби аъзолари бешта олтин, учта кумуш ва иккита бронза медалга сазовор бўлишди.

— Асосий мақсадимиз ўсиб келаётган ёш авлодни жисмонан соғлом, маънан баркамол этиб тарбиялашдир, — дейди «Ватанпарвар» ташкилотининг Бекобод туман ўқув-спорт техника клубига қарашли «Ҳарбий ватанпарвар» махсус спорт мактаби директори Анваржон Каримов. — Бу борада жамоат ташкилотлари ва ота-оналарнинг амалий ва ҳомийлик мададига таянган ҳолда иш олиб бораёмиз. Келгусида республика ва

халқаро миқёсдаги спорт мусобақаларида ҳам муносиб қатнашиш ниятидамыз.

«Ҳарбий ватанпарвар» махсус спорт мактаби туманнинг чекка ҳудудларида ҳам ўқ отиш майдончаларини ташкил этишга алоҳида эътибор қаратмоқда. Аини пайтда Зафар шаҳарчасида иккита тир майдончаси ишлаб турибди. Мактабнинг ёш спортчилари милтиқдан ўқ отиш, ёзги биатлон бўйича ўтказилаётган мусобақаларда ҳам фаол иштирок этиб келмоқда.

«Ватанпарвар» ташкилотининг Бекобод туман ўқув-спорт техника клубида ҳайдовчилар тайёрлаш ва қайта тайёрлаш ишлари ҳам талаб даражасида олиб бориляпти. Шу кунгача икки юз нафардан зиёд «В» ҳамда «ВС» тоифали ҳайдовчилар тайёрланди.

**Ашурали БОЙМУРОД,**  
**«Turkiston» мухбири**



## ИЛҒОР ПЕДАГОГИК ТЕХНОЛОГИЯЛАР

**Риштон агросаноат касб-ҳунар коллежи туман марказидан узоқроқда жойлашган бўлса-да, у ерда таълим жараёнлари, ўқитишнинг илғор услублари жорий этилгани, дарсларда кўرғазмали қуроллардан кенг фойдаланилаётгани алоҳида эътиборга молик.**

1684 нафар қишлоқ ёшлари олти йўналишда таълим олаётган мазкур таълим масканида юз нафардан ортиқ педагог ўз билим ва тажрибасини ёшлар камолоти йўлида сарф этишяпти. Ўқитувчилар дарсларни кластер, балиқ скелети, ББХ жадвали, insert ва case study

каби янги педагогик технологиялардан фойдаланиб, ташкил этаётгани ўқувчиларнинг фанларга бўлган қизиқиши ортиши ва пухта ўзлаштиришларига асос бўляпти. Бу борада она тили ва адабиёт фанлари ўқитувчиси Гўзал Алиева, немис тили бўйича Холида Асқарова ва

математик Сарвар Мамақов каби янгиликка интилувчан ёшларнинг изланишларини эътироф этиш мумкин.

Шу билан бирга дарс самарадорлигини ошириш, ўқитувчиларнинг касб маҳоратини юксалтириш мақсадида ҳамкор олий ўқув юртлари профессор-ўқитувчилари иштирокида маҳорат дарслари ўтказилляпти.

**Нодиржон ЮСУПОВ,**  
**«Turkiston» мухбири**  
**СУРАТДА:** кимё фани ўқитувчиси Муқаддас Мирзакаримова «Крахмалнинг гидролизланиши жараёни» мавзuida лаборатория машғулотини ўтказяпти.

## БУ НИҲОЛЛАР БИР КҮН ЧИНОР БЎЛАДИ

**2014 йилнинг мамлакатимизда «Соғлом бола» йили дея эълон қилингани бежиз эмас. Фарзандлари нафақат жисмонан, балки маънан баркамол бўлган юртнинг келажаги порлоқ бўлади. Бунда, айниқса, таълим даргоҳларининг ўрни катта. Жумладан, пойтахтимизнинг Сергели туманида жойлашган 237-умумий ўрта таълим мактабида ўтказилган тадбир ҳам «Соғлом авлод – соғлом келажак» шиори остида ташикл этилди. Унда ўқувчилар меҳнат фан ойлигининг якуни ва инглиз тили фан ойлигининг бошланиши муносабати билан тайёрлаган сахна кўринишларини намойиш этишди.**



— Бугунги тадбиримиз «Фанлар дўстлиги» деб аталди. Чунки ўқувчиларимиз иккала фанни бир-бирига боғлаган ҳолда, уларни бирдек

ўзлаштириб келишяпти. Бу эса, янгидан-янги ташаббусларга кенг йўл очаётир, — дейди мактабнинг ўқув ишлари бўйича директор ўрин-

босари Дилфуза Нурдинова.

Меҳнат фан ойлиги доирасида ушбу даргоҳда ўқитувчи Машхура Туропова бошчилигида

кўплаб очик дарс ва мусобақалар, жумладан, қизлар ўртасида «Арзанда бўлма, пазанда бўл!» беллашуви ўтказилди.

Шу кунги тадбирда ҳам ўқувчилар ўз қўллари билан тиккан кийимларини намойиш этишди. Ҳали ёш бўлишига қарамай, дугоналарининг сочларини жуда ажойиб тарзда турмаклайётган қизлар барчанинг олқишига сазовор бўлди.

Қолаверса, 1-синф ўқувчиларининг инглиз тилида куйлаган кўшиғи ҳамда шу каби турли чиқишлар мактабда чет тилларини ўргатишга алоҳида эътибор бериллаётганини тасдиқлайди. Тадбирнинг ҳам ўзбек, ҳам инглиз тилида олиб борилиши эса унинг қизиқарлилигини оширди. Мактабда инглиз тилини 1-синфдан бошлаб ўқитиш йўлга қўйилган. Шунингдек, бу ерда ушбу тилни чуқурроқ ўргатишда ўқитувчилар Шахло Зоҳидова, Нигора Камолова ҳамда Фазлиддин Абдуазимов бор педагогик маҳорат ва билимларини ишга солган.

**Кумушбиби ЭРМАМАНОВА,**  
**ЎзДЖТУ талабаси**

### ■ Ta'limga e'tibor — kelajakka e'tibor ■

## ШАРОИТЛАР ЯХШИЛАНДИ

**Малакали касб эгаси бўлиш учун фақатгина назарий билим билан чегараланмасдан, амалиётни ҳам пухта ўзлаштириш керак. Шу мақсадда бугунги кунда касб-ҳунар коллежларининг моддий-техник базаси янгилашиб, ўқув амалиёт устaxonалари замонавий жиҳозлар билан таъминланмоқда. Бу эса ўқувчиларнинг яхши билим олиши ва ўз устида ишлаши учун қулай шароит яратди. Шундай етакчи ўқув муассасаларидан бири Ангор маънавий касб-ҳунар коллежидир.**

— Ҳозирги кунда исталган соҳада техник ускуналарни маълум вақт давомида янгилаб туриш талаб этилади. Айниқса, бу ўқув муассасаларида муҳим аҳамиятга эга. Ёшларга сифатли билим бериш асосий вазифамиз ҳисобланади, — дейди коллежнинг маънавий-маърифий ишлар бўйича директор ўринбосари Жамшид Чориев. — Коллежимиз устaxonаси техник жиҳозлари ҳам талабга жавоб берса-да, бироз эскириб қолганди. Шу сабабдан бугун ўқув устaxonаларимизга янги жиҳозлар ўрнатилди. Бу эса ўқувчиларимизнинг назарий ва амалий билимларини мустаҳкамлашда ўз самарасини бермоқда.

Коллежнинг биргина радиотехника ва телевизион аппаратураларни таъмирлаш устaxonасига ацилограф, радио узатувчи ва қабул қилувчи қурилма, радиостенд каби бир неча турдаги янги жиҳозларнинг ўрнатилганлиги ўқувчилар дарсдан кейин ҳам маълум вақт қолиб, ўз устида мустақил ишлашларига замин яратди.

— Янги келтирилган жиҳозларнинг барчаси аввалгиларидан қулайлиги, ишлаш тезлигининг юқорилиги, энг асосийси, маълумотларни тез ва сифатли қабул қилиши билан фарқ қилади, — дейди махсус фан ўқитувчиси Матлаб Қурбонов. — Ўқувчиларимиз бундай қурилма орқали ҳаво тўлқинларига ҳеч қандай қийинчиликсиз чиқиш имкониятига эга бўлмоқда. Симсиз ахборот алмашилиш қурилмаси замонавийлиги ва имкониятлари кенглиги билан аввалгиларидан ажралиб туради.

Коллежда тез орада радиоузел ишга туширилади. На-тижада ўқувчилар радиода операторлик ҳамда бошловчиликда ўзларини синаб кўриш имконига эга бўладилар.

**Наргиза РАҲМАТУЛЛАЕВА,**  
**«Turkiston» мухбири**

Imkoniyat

# МУТАХАССИСЛИК СЕНИНГ КЕЛАЖАГИНГ!

Пойтахтимиздаги Мирзо Улуғбек номидаги маданият ва истироҳат боғида «Касб ва мутахассислик» фестивали бўлиб ўтди

Мирзо Улуғбек тумани ҳокимлиги «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати туман кенгаши, ҳамда мазкур боғ маъмурияти ҳамкорлигида ўтказилган фестиваль мактаб битирувчиларини ўзлари қизиққан йўналишлар бўйича академик лицей ва касб-хунар коллежларига қабул қилишни самарали йўлга қўйиш, коллеж битирувчиларини эса касбга йўналтириш, уларнинг олий таълим муассасаларида ўқишини давом эттириш, шунингдек, иш билан таъминлаш масалаларига қаратилди.

Фестиваль давомида тумандаги академик лицей ва касб-хунар коллежлари таълим йўналишлари, улардаги шароитлар ҳақида тақдимот ҳамда кўргазмалар уюштирилди. Унда тўрт минг нафарга яқин мактаб ўқувчиси ва уларнинг ота-оналари иштирок этди.

Фестиваль доирасида меҳнат ярмаркаси ташкил этилиб, унда йигирма бешта корхона ва ташкилот бўш иш ўринлари билан иштирок этди.

Моҳичехра ЎРОЛОВА



Taraqqiyot

## ЭЛЕКТРОН ҲУКУМАТ ЖОРИЙ ЭТИЛМОҚДА

Мамлакатимизда электрон ҳукумат тизимини яратиш 2002 йилдан бошланди. Бу борада ҳукумат қарори қабул қилинган.

Ҳозирги кунда электрон ҳукумат доирасида интерфаол давлат хизматлари йўлга қўйилган бўлиб, бу фуқароларнинг давлат муассасалари билан ўзаро алоқалари кенгайтишига хизмат қилмоқда. Хусусан, айна вақтда турли давлат

ташкилотлари ўз фаолиятига доир турли ахборотларни аҳолига онлайн шаклида тақдим этмоқда.

Бугунги кунда республикамиздаги барча вазирликлар, қўмиталар ва агентликлар ўз сайтлари орқали фуқароларга ин-

терфаол хизматлар кўрсатиб келмоқда.

Электрон ҳукумат тизими, шунингдек, фуқароларнинг муайян ташкилот ёки муассаса раҳбари билан тўғридан-тўғри ва очиқ мулоқотни ўрнатиш имконини беради. Бу эса давлат ҳокимияти органларининг очиқлиги ва интерфаоллигини таъминлайди.

Электрон ҳукумат тизимининг жорий этилиши давлат ҳамда аҳоли ва

ҳўжалик субъектлари ўртасидаги ўзаро алоқанинг мустаҳкамланишига сабаб бўлмоқда. Ҳукумат фуқароларга тақдим этиши лозим бўлган маълумотлар ҳажмининг сезиларли даражада ошишига, турли маълумотлар базасининг очиқлигини таъминлашга, давлат органларида электрон ҳужжатларнинг изчил равишда айланиши ва бошқа инновацияларни жорий этишга ҳамда тадбиркорликнинг ривожига хизмат қилмоқда.

**Сарварбек ЭРНИЯЗОВ,**  
Тошкент ахборот технологиялари университети талабаси

E'lon

**«Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати**  
**Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги,**  
**«Ўзбектуризм» Миллий компанияси,**  
**Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси,**  
**«Ўзбеккино» Миллий агентлиги,**  
**Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси,**  
**Ўзбекистон Фанлар академияси,**  
**«Олтин мерос» халқаро хайрия жамғармаси,**  
**Республика Маънавият тарғибот маркази,**  
**Миллий гоё ва мафкура илмий-амалий маркази билан ҳамкорликда**

## «ЯНГИ НИГОҲ»

### ВИДЕОРОЛИКЛАР ТАНЛОВИНИ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

**Танловнинг асосий мақсади**

Ўзбекистонда ёшлар туризмининг ривожлантириш, туман ва шаҳарларнинг туристик салоҳияти, жойлардаги тарихий обидалар, зиёратгоҳлар, муҳофаза этиладиган табиий ҳудудларни кенг тарғиб қилиш, медиамаҳсулотларнинг кенг тарқалган тури — видеороликлар ёрдамида мамлакатнинг туризм салоҳияти тўғрисида кенг жамоатчиликни хабардор қилишдан иборат.

**Танлов номинациялари:**

— «Ўзбекистоннинг туризм салоҳиятини намоён этган энг яхши видеоролик»;

— «Ўзбекистоннинг экотуризм

салоҳиятини намоён этган энг яхши видеоролик»;

— «Миллий қадрият ва урф-одатларни тарғиб этишга қаратилган энг яхши видеоролик»;

— «Видеоролик сценарийси учун энг яхши гоё»;

— «Ўзбекистоннинг муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлари тўғрисидаги энг яхши видеоролик».

**Танлов қуйидаги босқичларда ўтказилади:**

— Ижодий ишлар 2014 йилнинг 25 апрелидан 1 октябрга қадар қабул қилинади.


— Ғолибларни аниқлаш ва тақдирлаш маросими 2014 йилнинг

15 ноябрга қадар ташкил этилади.

Танловда таълим муассасаларининг ўқувчилари ва талабалари, ижодий бирлашмалар, марказ ва клублар аъзолари, профессионал журналистлар, видеомажсулотлар яратиш билан шуғулланувчи мутахассислар иштирок этишлари мумкин.

Ижодий ишлар «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракатининг туман (шаҳар), вилоят кенгашиларида қабул қилинади.

**Батафсил маълумотларни**  
**www.videotanlov.uz ҳамда**  
**241-02-72, 241-00-50**  
**телефон рақамларидан**  
**олишингиз мумкин.**



## Оққушни қутқарамиз деб...

Белгияда дарёнинг хавфли қисмидаги оққушни қутқариш вақтида икки ғаввос ҳалок бўлди.

Қутқарувчилар вертолётда уларни маҳаллий шифохонага етказган, бироқ шифохонанинг ўзида иккаласи ҳам вафот этган. Маълум бўлишича, Лиеж шаҳрида ғаввослар маҳаллий аҳоли вакилининг дарё оқими қушни оқизиб кетаётгани ҳақидаги шошилинч қўнғироғидан сўнг Урт дарёсига етиб келишган. Дарё сувости оқимлари ва ўрамаларга бой. Ҳозирги вақтда ғаввослар ўлимига айнан нима сабаб бўлгани номаълум. Оққуш эса қутқариб олинган.

## Янада яхши

«Apple» компанияси ўзининг янги флагман смартфонни - 4,7 дюймми «iPhone 6»ни 2014 йилнинг август ойида тақдим этишини маълум қилди.

Смартфон бир неча турда чиқарилиб, унинг 5,5 ва 5,6 дюймми версиялари сентябр ойида намоёиш этилади. Компания 2014 йилда 80 миллион дона янги флагман смартфонни ишлаб чиқармоқчи. Мутахассисларнинг фикрича, «iPhone 6»да экраннинг катталашishi унинг «Samsung»нинг катта кўринишдаги смартфонлари билан рақобатлашишига имкон беради.

## Безорилар жазосини олади

Конгода футбол мусобақаси пайтида содир бўлган тўқнашувлар натижасида ўн беш киши ҳалок бўлди ва йигирмадан ортиқ киши турли даражада жароҳатланди.

Воқеа мамлакат пойтахти Киншансада содир бўлган. Лумумбаши шаҳридан келган жамоанинг 1:0 ҳисобидаги ғалабасига чи-долмаган маҳаллий мухлислар тартибсизлик келтириб чиқарган. Маълум бўлишича, фалокатга тартибни бузган мухлисларга нисбатан полиция қўллаган кўзни ёшлантирувчи газ сабаб бўлган. Натижада тартибсизлик авж олган. Ҳозирда безориларга нисбатан тергов ишлари бошланди.

## Эҳтиёт бўлинг

«ESET» халқаро антивирус компанияси «Android» смартфонларини издан чиқарувчи кучли вирусни аниқлади.

Маълум бўлишича, янги вирус билан кўпчилик смартфонлар зарарланиб улгурган. Зарарланган смартфонлар контактдаги барча рақамларга рус тилида «мени танидингми?» дея SMS юборади. Шунингдек, телефонни пулли хизматларга улаб, шахсий маълумотларни тарқатиб, телефонни блоклайди. Мутахассислар номаълум дастурларни ўрнатмасликни маслаҳат бермоқда

**Интернет манбалари асосида**  
**Жавоҳир КАРОМАТОВ тайёрлади**

# ФУТБОЛ МАВСУМИ ҚИЗГИН ПАЛЛАДА

Май ойи футбол мавсумининг айна қизиган палласи. Европа миллий чемпионатлари ва Чемпионлар лигасининг ҳал қилувчи беллашувлари айнан шу ойда ўтказилади. Бу ёғи, жаҳон чемпионатига ҳозирлик... 32 бахтли терма жамоанинг ҳар бири ширин ташвишлар билан банд. Э, ака! Бу жаҳон футболга оид гаплар эди. Ўзимизда ҳам футбол мавсуми тобора қизгин тус олмоқда. Миллий чемпионат, кубок беллашувлари... Бироқ тенгдошларимиз учун футбол бўйича «Камолот» кубоги» мусобақасининг ўрни барибир бўлакча!



Рустам Назарматов олган суратлар

Куни кеча пойтахтимизда олий таълим муассасалари талабалари ўртасидаги «Камолот» кубоги» футбол мусобақасининг финал босқичига старт берилди. Учинчи мартаба ўтказилаётган мазкур турнир Маданият ва спорт ишлари, Ички ишлар, Олий ва ўрта махсус таълим, Соғлиқни сақлаш вазирликлари, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Марказий Кенгаши, Ўзбекистон футбол федера-

цияси, «Пахтакор» футбол клуби ҳамкорлигида ташкил этилмоқда.

Бу йилги мусобақанинг финал босқичига саккизта — Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия институти, Ўзбекистон Миллий университети, Гулистон давлат университети, Тошкент темир йўл муҳандислари институти, Тошкент молия институти, Фарғона давлат университети, Бухоро давлат тиббиёт институти ва

Нукус давлат педагогика институти жамоалари етиб келди. Кеча «Пахтакор» футбол клубига қарашли «Чилонзор» стадионида «А» ва «В» гуруҳидан ўрин олган Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия институти — Тошкент молия институти (3:0), Ўзбекистон Миллий университети — Фарғона давлат университети (0:0), Гулистон давлат университети — Бухоро давлат тиббиёт инсти-

тути (2:1), Тошкент темир йўл муҳандислари институти — Нукус давлат педагогика институти (0:2) жамоалари ўртасидаги ўйинлар бўлиб ўтди. Бугун ярим финал учрашувида Гулистон давлат университети — Нукус давлат педагогика институти, Тошкент темир йўл муҳандислари институти — Бухоро давлат тиббиёт институти, Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия институти

— Фарғона давлат университети, Ўзбекистон Миллий университети — Тошкент молия институти жамоалари майдонга тушади.

«Камолот» кубоги» мусобақасининг финал ўйини 17 май куни «Пахтакор» марказий стадионида бўлиб ўтади.

**Рустам ЮСУПОВ,**  
**«Turkiston» мухбири.**  
Рустам Назарматов олган суратлар.

## ЎЗБЕККОЙИМ НАБИРАЛАРИ

**Ўзбек оилаларида қиз фарзанд туғилса, хонадон соҳибларини «тилла топдингиз, бойлик топдингиз», дея табриклаган. Ота-боболаримиз қизларга алоҳида меҳр-эътибор билан қараганлар, ардоқлаганлар. Момоларимиз оналаримизни ёшлиқларидан «оппоқ қандим», дея суйиб-эркалаганлар, тарбиясига алоҳида эътибор қаратганлар.**

Ана шундай тарбия кўрган қизлардан ўзининг ибодат-ҳаёси, андишаю одоби, ахлоқий фазилатлари билан машҳур бўлган юксак маънавиятли аёллар етишиб

чиққан. Ўзбек аёли деганда кўз ўнгимизга энг гўзал инсоний фазилатлар тимсоли бўлган ажиб хилқат намоён бўлишининг сабаби ҳам шунда.


Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университетида бўлиб ўтган беллашувни кузатиб, тенгдошларимиз орасида ҳам ана шундай назокат ва нафосат, гўзаллик ва меҳнатсеварлик тимсоллари бўлишга арзигулик комила қизлар камол топаётганига ишонч ҳосил қилдик. «Балли, қизлар!» деб номланган беллашувда университет факультетларидан саралаб олинган бир нафардан талаба-қиз иштирок этди.

Тадбир давомида тенгдошларимиз ўзларининг билим ва зуконликларини, рўзгор ишла-

ридаги маҳоратларини намойиш этишди. Ижро этилган бир-бирдан гўзал кўшиқ ва рақслар эса, уларнинг истеъдодидан дарак берди.

Танловда мутлақ ғолибликни Фотима Абдуллаева қўлга киритиб, «Университет маликаси» номига сазовор бўлди. Шунингдек, Дилафрўз Иброҳимова, Нилуфар Тошпўлатова, Ҳафиза Холбоева, Севара Отамуродова сингари иштирокчилар турли номинациялар бўйича ғолиб бўлди.

**Нигина МАМАТҚУЛОВА,**  
**ЎзДЖТУ талабаси**



## «TURKISTON» САВОЛ БЕРАДИ

Медиа лойиҳамиз давом этади. Лойиҳа доирасидаги навбатдаги учрашув **2014 йилнинг 19 май** куни «Камолот» ЁИХ Қашқадарё вилояти кенгаши раиси **Фурқат Норматов** билан бўлиб ўтади. Суҳбатдошимиз ҳақидаги маълумотларни [www.kamolot.uz](http://www.kamolot.uz) сайтида ўқишингиз мумкин.

Савол ва таклифларингизни [savol@turkiston.uz](mailto:savol@turkiston.uz) электрон манзили ёки (+9 9871) 233-79-69 телефон рақами орқали кутиб қоламиз.

Энг қизиқарли савол ва таклиф муаллифларини совғалар кутмоқда. Шошилиниг, вақт оз қолди.

## ЗУККО МУХЛИСГА САВОЛ:

**Ўлтурур эрди мени ҳижрон хаёнинг бўлмаса,  
Ё умиди давлати васли висолинг бўлмаса.**

**Ойу кун зарра муориз бўлмай эрди юзунга,  
Мўъжизи ҳусну малоҳат зулфу холинг бўлмаса.**

**Қилу қолингдин, ... маърифат тутма умид,  
Ул оғиз, белинг хаёли бирла холинг бўлмаса.**

*Маъшур ғазаллардан бирдан олинган ушбу парчада тушиб қолган сўзни аниқланг.*

Жавобингизни **16 май** соат **16.00** га қадар **233-79-69, 233-95-97** рақамларига қўнғироқ қилиб беришингиз мумкин. Биринчи бўлиб тўғри жавоб йўллаган мухлис номи газетамизда эълон қилинади.

**Ўтган сондаги саволнинг жавоби: Нодирабегим.**

Тўғри жавобни биринчи бўлиб Жиззах вилоятидан Санжарбек Саякулов йўллади.

## YONDAFTARCHANGIZGA

Эзгуликдан бир қалъа барпо айлангким, мустаҳкамликда унга ҳеч нарса тенг бўлмайди.

**Жалолдин Румий**